

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҶОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

— 2-2021 —

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.
«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳририят ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

МАКСУДОВ Р.Х.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)
КЛАУС ХАЙНСГЕН.(Германия)
БАХОДИРХОҢОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)
ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)
ТОЖИБОВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)
ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)
ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)
ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)
ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)
СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)
МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)
ИСКАҢДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)
МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)
ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)
УСМОҢОВ Б. (Ўзбекистон)
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррир: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.

Мусахҳиҳлар: Шералиева Ж.
Мамаджонова М.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди: 02.07.2021

Қоғоз бичими: 60×84 1/8

Босма табағи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма № 49

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

Фарғона,
2021.

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

А.Уринов, Ф.Маманазарова

Коэффициенти узилишга эга бўлган сингуляр коэффициентли тенглама учун чегаравий масала 6

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

М.Собиров, Ж.Аҳмадалиев, И.Усмонов

Хира муҳитлардаги иккиламчи қутбланган нурланишнинг қутбланиш характеристикаларида нейтрал нуқталарнинг ҳосил бўлиши 11

КИМЁ

И.Хикматуллаев, А.Матчанов, В.Хўжаев, С.Арипова

Physalis alkekengi ўсимлиги элемент таркибини исп-мс усули билан аниқлаш 16

Ж.Бекназаров, А.Ибрагимов, З.Болтаева, С.Маулянов

2,4-динитрофенил глицин ва 2,4-динитрофенил- α -аланиннинг Cu^{2+} билан металлкомплекслари синтези 22

Р.Казақов

8-синф кимё дарслигидаги мавзуларни ўзлаштиришда уй тажрибаларини такомиллаштиришнинг аҳамияти 26

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

М.Назаров, А.Мамажонов, М.Маматқулов, У.Усмонходжаев

Балиқ етиштиришнинг интенсив усули – ҳовуз балиқчилигининг юқори маҳсулдорлик омили..... 32

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

А.Ғофуров, Т.Хайдаров, Г.Холматжонова

Иқтисодий ўсишнинг драйвери - инвестиция, инновация ва илм-фан технологиялари 38

Т.Хайдаров

Туман ҳудудларининг мажмуавий инновацион ривожлантириш муаммолари 43

И.Носиров

Ёшларнинг креатив ривожланиши – бу креатив бошқарувнинг юксалиш йўлидир 47

ТАРИХ

А.Маматқулов

XX аср 60-70 йиллари Самарқанд – Қарши иқтисодий райони: ишлаб чиқариш кучлари ва уларнинг жойлаштирилиши ҳақида баъзи мулоҳазалар..... 50

Д.Юсупова

Хондамирнинг «Нома-йи-нома» асари – Ўрта Осиё, Эрон ва Афғонистоннинг XV–XVI асрлар маданият тарихига оид муҳим манба 58

А.Сабиров

Оғзаки тарих ва архив ҳужжатлаштириш технологияси масаласига доир..... 63

Х.Олимжонов

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Фарғона вилоятида кутубхона иши тарихи 69

УДК: 338+.006.3

XX АСР 60-70 ЙИЛЛАРИ САМАРҚАНД – ҚАРШИ ИҚТИСОДИЙ РАЙОНИ: ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КУЧЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЖОЙЛАШТИРИЛИШИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

ЭКОНОМИЧЕСКИЙ РАЙОН САМАРКАНД– КАРШИ В 60-70 ГОДАХ XX ВЕКА: РАЗМЫШЛЕНИЯ О ПРОИЗВОДСТВЕННЫХ МОЩНОСТЯХ И ИХ РАЗМЕЩЕНИИ

ECONOMIC REGION SAMARKAND–KARSHI IN 60-70 OF THE XX CENTURY: REFLECTIONS ON THE PRODUCTION CAPACITIES AND THEIR DEPLOYMENT

Маматкулов Акмал Яхшибаевич¹

¹Маматкулов Акмал Яхшибаевич

– Тошкент “МЭИ” Миллий тадқиқот университети
Федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси
Филиали Ахборот технологиялари маркази бошлиғи

Аннотация

Совет давлати халқ хўжалигининг муайян территориал қисми иқтисодий районлар деб аталиб, улар ўзининг ихтисослаштирилганлиги билан алоҳида ажралиб турган. Социалистик ишлаб чиқариш қондаларига амал қилиб келинган бу районларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бутун мамлакат халқ хўжалиги эҳтиёжларини қондирган. Иқтисодий районлар таркибидаги республикалар ёки ҳудудлар сонига қараб “Катта иқтисодий район” деб ҳам аталган. Ўрта Осиё иқтисодий райони ҳам катта иқтисодий район таркибига кирган бўлиб, унинг асосий районларидан бири Ўзбекистон ҳам бир неча иқтисодий районга бўлинган. Ўзбекистон иқтисодий райони ўзининг табиий шароити хилма-хил ва, асосан, халқ хўжалигининг турли тармоқларини ривожлантириш учун қулайлиги, республикада кенг майдонни эгаллаган водийлари, жазирама қум саҳролари, тоғлари, ер ости ва бошқа табиий бойликлари билан алоҳида ажралиб турган. Мақолада манбалар асосида Ўзбекистоннинг асосий иқтисодий районларидан бири бўлган Самарқанд-Қарши унинг мамлакат халқ хўжалигидаги ўрни таҳлил қилиб берилди.

Аннотация

Определенные территориальные части народного хозяйства Советского государства назывались экономическими районами, которые отличались своей специализацией. Продукция социалистического производства, произведенная в этих регионах, удовлетворяла потребности народного хозяйства всей страны. В зависимости от количества республик или территорий в составе экономического района ее еще называли «Большим экономическим районом». Среднеазиатский экономический район также являлся частью большого экономического района, одним из основных районов которого был Узбекистан, который был разделен на несколько экономических районов. Экономический район Узбекистана характеризуется разнообразием природных условий - в основном для развития различных секторов экономики, долин, жарких песчаных пустынь, гор, недр и других природных ресурсов. В статье на основе источников проанализирован Самаркандско-Каршинский экономический район, один из основных экономических регионов Узбекистана, и его роль в экономике страны.

Annotation

The certain territorial parts of the national economy of the Soviet state were called economic regions, which differed in their specialization. The goods of socialist output produced in these regions satisfied the needs of the national economy of the entire country. Depending on the number of republics or territories within the economic region, it was also called the “Big Economic Region”. The Central Asian Economic Region was also a part of a large economic region, one of the main regions of which is Uzbekistan, which was divided into several economic regions. The economic region of Uzbekistan was characterized by a variety of natural conditions - mainly for the development of various sectors of the economy, valleys, hot sandy deserts, mountains, bowels of the earth and other natural resources. Based on the sources, the article analyzes the Samarkand-Karshi economic region, one of the main economic regions of Uzbekistan, and its role in the country's economy.

Таянч сўз ва иборалар: халқ хўжалиги, минтақа, концепция, моддий - техник база, механизациялаш, иқтисодий район, ҳудуд, машинасозлик, энергетика, иссиқлик корхонаси, овозли киноаппаратура, тери заводи, пахта тозалаш заводи, мева консерва заводи, ёғ экстракт заводи, пластик тупроқ, черелица, керамик қувур, электрокимё комбинати, иссиқ электро марказ, радиобошқарма, графит кони, субтропик мева, ром, ирригация, нитрат, аммоний азот, цинк, депо.

Ключевые слова и выражения: народное хозяйство, регион, концепция, материально-техническая база, механизация, экономический район, территория, машиностроение, энергетика, котельная, звуковое кинооборудование, кожевенная фабрика, хлопкоочистительный завод, фруктово-консервный завод, маслоэкстракционный завод, пластиковый грунт, плитка, керамическая труба, электрохимический комбинат, теплоэлектроцентраль, радиоуправление, месторождение графита, субтропический фрукт, ром, ирригация, нитрат, аммонийный азот, цинк, депо.

Key words and expressions: national economy, region, concept, material and technical base, mechanization, economic region, territory, mechanical engineering, energetics, boiler house, sound film equipment, tannery, cotton

ТАРИХ

gininery, fruit cannery, oil extract plant, plastic soil, tiles, ceramic pipe, electrochemical plant, thermal power plant, radio control, graphite deposit, subtropical fruit, rum, irrigation, nitrate, ammonium nitrogen, zinc, depot.

СССР халқ хўжалигининг муайян территориал қисми бўлган иқтисодий районлар ўзининг ихтисослаштирилганлиги билан алоҳида ажралиб турган. Социалистик ишлаб чиқариш қоидаларига амал қилса-да, бу районларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бутун мамлакат халқ хўжалигидаги эҳтиёжларини қондирган. Ўрта Осиё иқтисодий райони ҳам бундан мустасно эмас эди. Катта Ўрта Осиё иқтисодий райониغا Қирғизистон ССР, Тожикистон ССР, Туркменистон ССР ва Ўзбекистон ССР кирган бўлиб, Катта Ўрта Осиё иқтисодий районининг асосий республикаларидан бири Ўзбекистон ўзининг табиий шароити хилма-хил ва, асосан, халқ хўжалигининг турли тармоқларини ривожлантириш учун қулайлиги, республикада кенг майдонни эгаллаган водийлари, жазирама қум саҳролари, тоғлари, ер ости ва бошқа табиий бойликлари билан алоҳида ажралиб турган. Ўзбекистон Совет Иттифоқи халқ хўжалигида саноат жиҳатидан ривожланган минтақаларининг пахтага бўлган эҳтиёжини таъминлашдек, ярамас концепцияга қатъий амал қилиб келди. Ўзбекистон саноати йиллар давомида пахтачиликни ривожлантиришнинг моддий-техника базаси ҳисобланди. Пахта етиштириш соҳасидаги ишларни комплекс механизациялаш учун керакли мукамал машиналарни яратишда, ирригация қурилиши ва мелиорация ишлари учун зарур машина ва механизмларни ҳамда пахта тозалаш саноат асбоб-ускуналарини ишлаб чиқарди. Ўзбекистон ҳам, ўз навбатида, бир неча иқтисодий районларга бўлинган бўлиб, улар ҳам бевосита пахтачиликка ихтисослашиб келди.

1960 йилларда Ўзбекистон иттифоқдош республикалар орасида аҳолисининг сони бўйича РСФСР, Украина, Қозоғистондан кейин тўртинчи ўринда туриб, Ўрта Осиё иқтисодий райони таркибидаги тўрт республика орасида эса биринчи ўринни эгаллаган[1], Ўзбекистон ССР территориясининг 2 фоизини эгаллаб, бу ерда мамлакат аҳолисининг 5,1 фоизи истиқомат қилган.

Самарқанд-Қарши иқтисодий райони республика ҳудудидаги иқтисодий районлар орасида ўз ўрнига эга бўлиб, у 44,8 минг км.ни эгаллаган, республиканинг 10 фоизини ташкил этган. Аҳолиси 3,556 минг кишини ташкил этган. Самарқанд иқтисодий районида дастлаб Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё ҳудудлари жамланган бўлиб, улар ривожланишига кўра ягона комплексни ташкил

этган. Бу ҳудуднинг 12,3 фоизини ер майдонлари ташкил этган. Ҳудуд 26,8 фоиз ҳайдалган ерлар, 19,4 фоизи янги ўзлаштирилган ерлар, 10,9 фоизи яйловлардан иборат бўлган. Асосий ерлар Зарафшон водийси ва Қашқадарёга тўғри келган.

Ҳудудда пахтачиликдан ташқари чорвачилик ва боғдорчилик ривожланган. Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларининг лалми ва тоғолди ҳудудларида бошоқли экинлар экилган. Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё мамлакатда асосий қоракўл етиштирувчи ҳудудлар ҳисобланган. Сурхондарё вилоятида ҳисор кўйлари етиштирилган бўлса, Самарқанд вилоятининг тоғолди ҳудудларида гўшт ва жун етиштирилган [2]. Узумчилик яхши ривожланган. Бироқ бу ҳудудлар асосан пахтачиликка ихтисослашган бўлиб, Сурхондарё вилояти ингичка толали пахта етиштиришга ихтисослашган. Ҳудудда пахта тозаловчи, ёғ-мой заводлари, консерва, вино ишлаб чиқариш, умуман озиқ-овқат ва енгил саноат яхши ривожланган. Шунингдек, бу районда машинасозлик, энергетика ва иссиқлик корхоналари иқтисодий ҳудуд ишлаб чиқаришида катта аҳамият касб этган.

Самарқанд вилояти республикадаги асосий ишлаб чиқарувчи корхоналар жойлашган ҳудудлардан бири бўлган [3]. Бу ерда пахта, тамаки етиштириш, узумчилик, қуруқ мева, қоракўл териси етиштириш йўлга қўйилган. Шу билан бирга республикадаги лалми майдонларнинг катта қисми, асосан, мана шу ҳудудга тўғри келиб, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 75 фоизини етиштириб берган. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш беш йиллик (1946-1950 йиллар мобайнида) режаларида қишлоқ хўжалигини “социалистик асосда қайта қуриш, социалистик индустриаллаштиришни” давом эттириш режалари белгиланди. Бу йилларга белгиланган режада Самарқанд вилоятида пахтачиликни юксалтириш, қанд саноати ва қанд лавлаги экишни, виночилик ва тоқзорликни, чорвачилик ва пиллачиликни ривожлантириш, кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган турли соҳаларни, шунингдек, нодир металл қазиб олишни кучайтириш белгилаб берилди. Беш йилликнинг охирига бориб, колхозларнинг умумий экин майдони 786,1 минг гектарга, шу жумладан, пахта майдони 105 минг гектарга,

қанд лавлаги майдони 20,5 минг гектарга етказилиши белгиланди. Пахта ҳосили гектаридан 21 центнергача, умумий териладиган пахта эса 220,5 минг тоннага, қанд лавлаги ҳосили гектаридан 280 центнерга ва умумий олинадиган қанд лавлаги 574 минг тоннага етказилиши режалаштирилди [4].

Самарқанд ва унинг атрофларида автомобиль ва трактор қисмларини етказиб берувчи “Қизил двигатель” заводи, “Кинап” номли Ленинград ва Одесса заводлари билан ҳамкорликда овозли киноаппаратуралар ишлаб чиқарадиган заводлар бўлган. Ўзбекистондаги энг йирик ҳисобланган “Хужум” номли ипак йигирув фабрикаси, Охунбобоев номидаги Самарқанд тери заводи, пахта тозалаш заводи, “Ўроқ ва болға” номли мева консерва заводи, тикув, пойафзал, трикотаж фабрикалари, гўшт, сут комбинатлари, суперфосфат заводи ҳам шу ерда жойлашган. Чой қадоқлаш фабрикалари ҳам Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон, Жиззах, Пастдарғом, Нарпай, Пойариқ, Оқдарё, Пахтакор туманлари марказларида жойлашган. Самарқанд чой қадоқлаш заводларига чой, асосан, Грузиядан, қисман Ҳиндистон ва Хитойдан келтирилиб, шу ерда қадоқланган [5].

Каттақўрғонда мамлакатда энг катта ҳисобланган ёғ-экстрактт заводи, вилоятда энг катта бўлган йилига ялпи маҳсулоти 301 млн. рублни ташкил этадиган пахта тозалаш заводи, “Ўзбек денгизи” номини олган сув омбори жойлашган. Бу туманларнинг барчасида пахта тозалаш заводлари, Жомбой жут заводи, озиқ-овқат саноати ҳамда қурилиш материаллари корхоналари жойлашган [6]. Биргина Самарқанд ва Каттақўрғон туманларидан пахта тозалаш заводлари электрлаштирилган, қолганлари ўзларининг ДЭСларига эга бўлганлар [7]. Деярли иқтисодий район таркибига кирувчи барча пахта тозалаш заводлари ишлаб чиқарган маҳсулотлардан паст сифатда маҳсулот ишлаб чиқарилган[8].

Қурилиш материаллари етказиб бериш бўйича Самарқанд вилояти ўзига хос ўринга эга бўлган, бу ерлар мрамор, оҳак, гипс, пластик тупроққа бой бўлган. Пластик тупроқлардан черепица, керамик қувурлар, Самарқанддаги ёдгорликларни таъмирлаш учун алоҳида ғиштлар ишлаб чиқарилган. Шунингдек, Самарқанд ва атрофидаги туманларда буғдой, арпа, гуруч, мош, жўхори етиштирилган ҳамда узумзор ва мевали боғлари бўлган. Вилоятда кўмир ва нефть қазиб олинган. Нефть қазиб чиқарувчилар учун Кокайти, Лалмикор, Жарқўрғон каби шаҳар поселкалари ҳам бунёд этилган. Вилоят

марказида эса ғишт, пахта тозалаш, сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи заводлар, гўшт комбинати ва бошқа ишлаб чиқариш корхоналари жойлашган.

Бухоро вилояти Ўзбекистоннинг 126.9 минг кв.км.ни эгаллаган бўлиб, унинг асосий ҳудуди Қизилқум қисми ҳисобланган. Аҳолиси Зарафшоннинг қуйи оқимида жойлашган ерларда яшаган бўлиб, улар ҳудуднинг ўндан бир қисмини эгаллаган. Қизилқумда 6-7 ой мобайнида асосий қорақўл берувчи қўйларнинг озукаси бўлган турли ўтлар, ўсимликлар ўсганлиги сабабли бу ерларни чўл, деб ҳисоблаш мумкин бўлмаган. Бухоро қорақўл етиштириш бўйича асосий ҳудуд ҳисобланган. Бу ерларда ҳам, асосан, пахта хом ашёси етиштирилган. 1960 йилларга келиб ҳудудда 6 та пахта тозалаш, 3 та ёғ-мой, вино ишлаб чиқарувчи, мотор ремонт қилувчи завод ҳамда ипак йигирув ва иккита тикув фабрикаси жойлашган [9].

Бухорода нефть, газ, турли конлар очилган бўлиб, келажақда қурилиши режалаштирилган 800 км.ли қувурлар Бухоро, Тошкент, Самарқанд ва ундан ташқари, республиканинг 17 шаҳарини газ билан таъминлаш имконини бериши керак бўлган. Бу билан эса Чирчиқ электрокимё комбинатини, Тошкент иссиқэлектромарказни, Хилково цемент заводини ва бошқа корхоналарни газ билан таъминлаш имкони бўлган.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1958 йил 11 январь Фармони билан Бухоро иқтисодий маъмурий райони тузилди[10]. Бухоро вилояти Самарқанд иқтисодий районидан ажралиб, алоҳида иқтисодий район сифатида шаклланди. Унинг таркибига Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари киритилди ҳамда Самарқанд иқтисодий районидан оғир саноатда «Термезнефть» бошқармаси, «Шарғунқўмир» радиобошқармаси, Шўрчи районидаги Қум Қўрғон ГЭС, Қарши шаҳридаги 315 сонли “Энергопоезд”, Тошқазган графит конлари, Бухоро 12-сонли ғишт заводи, Денов 17-сонли ғишт заводи бошқармаси, Қоровулбозордаги тош-шағал, Деҳқонобод очиқ тош конлари, Бухородаги механика-ремонт заводи, газлаштиришга тайёрлаш бошқармаси кирди[11]. Шунингдек, райондаги қуйидаги тармоқ бошқармалари ҳам бўлди: оғир саноат, энгил саноат, озиқ-овқат саноати, моддий-техника таъминоти ва реализация бошқармалари. Тармоқ бошқармалари 60 та саноат корхонаси ва ташкилоти ишига раҳбарлик қилди[12]. Бухорода республикадаги ягона ва мамлакатдаги энг катта қорақўл тери ошлайдиган завод ишлаб турди. Бухоро ва

ТАРИХ

Ғиждувондаги пахта ёғ комбинати, Когон, Кармана, Қоракўл, Китоб, Қарши, Яккабоғ, Денов, Термиз, Шеробод, Хайробод, Узун, Шўрчи туманларидаги пахта тозалаш заводлари, Шўрчидаги жут-каноп заводи, Бухородаги ипак йигирув фабрикаси, Бухородаги “XIV партия съезди” номли тикув фабрикаси, “ВЛКСМ XX йиллиги” номли Бухородаги тикув фабрикаси, Қаршидаги 10-сонли тикувчилик фабрикаси, Қаршидаги қурилаётган тикувчилик фабрика дирекцияси, Бухородаги оёқ-кийим фабрикаси, Бухоро қоракўл заводи, Бухородаги туманлараро “Узглавторгхомашё” заготконтораси, Термиз ва Қаршидаги пахта тайёрлаш вилоят контораси, озик-овқат саноатида Когон, Қарши, Деновдаги ёғ заводлари, Китоб, Денов, Бухородаги вино заводлари, Хайрободдаги ром ишлаб чиқарадиган совхоз, Бухоро ва Термиздаги, Бухоро, Қарши, Денов, Термиздаги сут-ёғ заводи, вино ишлаб чиқариш учун боғлар бўлган. Бухоро вилоятидаги 8, 22, 31-сонли, Қашқадарё вилоятидаги 6,24 сонли, Сурхондарё вилоятидаги 7, 13 сонли совхозлар, Бухоро вилояти балиқчилик хўжалиги, Китоб консерва заводи, Қарши гўшт комбинати кабилар Бухоро иқтисодий райони таркибига киритилди[13]. Лекин бу завод ва фабрикалар маҳсулот ассортиментида хатоликларга йўл қўйганлар, кўплаб пахта тозалаш заводлари сифати паст маҳсулот чиқарган, бу ҳолатлар сут-ёғ заводларида ҳам кўплаб учраган[14].

Қашқадарё вилояти 1964 йилда Қарши чўлларидаги ўзлаштирилиши муносабати билан ташкил этилган бўлиб, унга қадар Самарқанд-Қарши иқтисодий райони таркибида бўлган вақтда пахтачилик, буғдой етиштириш ва чорвачиликда илғор туманлардан бири бўлган. Бу ерда пахтачиликнинг ривожлантирилиши Эски Ангор канални таъмирлаш, Чимкўрғон сув омборини қуриш имконини берган. Бу туманга қарашли лалми ерларда экилган бошоқли экинлар бўйича Қашқадарё Самарқанддан сўнг, қоракўл тери етиштириш бўйича Бухородан кейинги ўринда турган[15].

Қарши туман маркази бўлиб, бу ерда ҳам пахта тозалаш, ёғ-мой комбинатлари, гўшт консерва заводлари, тикув фабрикаси, маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари жойлашган эди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари Китобда жойлашган. Самарқанд “Ўроқ ва болға” заводи сингари Китоб мева консерва заводи мамлакатнинг Узоқ Шарқ ва Узоқ Шимол ҳудудларига доимий маҳсулот етказиб берувчи завод ҳисобланган. Бу заводни қуриш

ишлари 1945 йилда бошланган бўлиб, заводни тезроқ қуриш мақсадида ҳатто Қамаш, Чироқчи, Шаҳрисабз шаҳар партия кўмиталари қурилишга 10 дона туя ҳам ажратганлар, завод 1947 йилдан маҳсулот ишлаб чиқара бошлади.

Шаҳрисабзда пахта тозалаш заводлари, консерва ва Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларини ипак билан таъминловчи заводлари бўлган[16]. Шаҳрисабз консерва заводи 1947 йилдан ишга туширилган[17]. Қашқадарё ва бошқа туманлар ҳам, асосан, пахтачиликка ихтисослашганлиги сабабли, бу ерларда кўплаб пахта тозалаш заводлари бўлиб, баъзилари қуриб битказилиб фойдаланишга топширилган бўлса, баъзилари чала ҳолида ҳам фойдаланишга топширилган, ёки умумий қурилиш ишлари олиб борилмаган. 1957 йилда Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз пахта тозалаш заводи таъмирланди, машина ва механизмлар ўрнатилди, янги қуриш ва тозалаш цехлари қурилди. 3000 от кучига тенг электростанция ишга тушиб, заводнинг қуввати 2 баробар ошди[18].

КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг 1946 йил 2 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон ССРда пахтачиликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”[19] ги махсус Қарорида пахта майдонларини кенгайтириш ва ҳосилдорликни оширишга алоҳида эътибор қаратилган бўлса, шу билан бир қаторда пахтага биринчи ишлов берувчи корхоналар қурилиши бошланди. Масалан, 1947 йилда Китоб пахта тозалаш заводи фойдаланишга топширилди. Дастлаб корхонада 47 нафар киши меҳнат қилди. Кейинроқ ишчилар сони 6 баравар ортди. 1951 йилда Қарши пахта тозалаш заводи қурилиши бошланиб, завод учун 27 гектар ер ҳам ажратилган, бироқ пахта тозалаш заводини қуриш ишлари 1953 йилгача давом этди ва завод 1954 йилда ўз маҳсулотларини бера бошлаган[20]. 1950 йиллардан Яккабоғ пахта заводида ҳам ҳолат шундай бўлган: бу ердаги пахта тозалаш заводини қуриш ишлари бошланиб, лекин охирига етказилмай қолаверган. Шундай ҳолатларда ҳам 1970-йилларда Қашқадарё пахта тайёрлаш трестига қарашли тўртта пахта тозалаш заводи уч сменада ишлаган. Бу корхоналар ишлаб чиқарган хом ашё йилига 73.000 тоннани ташкил этган. 1970 йилда бу, 76.390 минг тоннани ташкил этган[21].

Китоб пахта тозалаш заводига 1958 йилда 675 от кучига тенг бўлган “Шкода” русумли дизель мотор, 1960 йилда Шаҳрисабз консерва заводига 2 та “Дип 300” станогини ўрнатилди[22]. Қарши ёғ-экспеллир

комбинатининг янги замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиши натижасида, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 1955 йилдаги 22710 минг сўмдан, 1960 йилга келиб 76499 минг сўмга етди[23]. 1946-1960 йилларда вилоятда мева ва сабзавотлар қайта ишлашга ихтисослашган қатор корхоналар қуриш режалаштирилди. Қарши ва Китоб шаҳарларида вино заводлари, Китобда шарбат заводи, Қаршида пиво заводи қурилиши эса қоғозларда қолиб кетган[24].

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг озиқ-овқат масалаларини ҳал этиш ҳам долзарб эди. Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг 1946 йил 4 январда “Республиканинг ёғ заводларини тиклаш ва ишини яхшилаш тадбирлари тўғрисида”ги Қарори чиқди. 1946 йилда Ўзбекистонда мавжуд 16 та ёғ-мой заводидан 3 таси жанубий вилоятларга, яъни Когон, Ғиждувон, Деновга тўғри келган бўлиб,[25] 1940 йилда қурилиши бошланган Қарши ёғ-экстракция заводи қурилиши урушдан кейинги йилларда ҳам давом этди. 1947 йил 3 сентябрда Ўзбекистон ССР Олий Советининг қарорига асосан заводга 32,5 гектар ер ва катта миқдорда маблағ ажратилиб, бу ерларда қўшимча бинолар қуриш 1949 йил мартдан бошланди. 1954 йилда фойдаланишга топширилди[26].

Қарши чўлида олий навли пахта етиштириш учун қулай имконият мавжудлиги сабаб ҳукумат бу ердаги қўриқ ва партов ерларни ўзлаштиришга жиддий аҳамият берди. 1963 йил 26 февралда СССР Давлат режа қўмитасининг Давлат эксперт комиссияси қарори билан Қарши чўлидаги 200 минг га қўриқ ерни ўзлаштириш ва суғориш ишларини 1975 йилгача тугаллаш[27], ўзлаштирилиши ва суғорилиши керак бўлган умумий майдон 1 млн. 306 минг га бўлиб, ундан 435 минг га юқори зонада ва 871 минг га қуйи зонада жойлашган ерлардан иборат қилиб белгиланди. Қарши чўлларини ўзлаштириш ишлари 1963 йил 26 августдан бошланди [28]. Қарши чўлларининг юқори зоналарини ўзлаштириш ишлари 1969 йилда СССР Министрлар Советининг “Қарши чўлининг юқори зонасидаги ерларни суғориш ва ўзлаштириш лойиҳасининг биринчи навбатини тасдиқлагандан сўнг бошланди. Унда 200 минг га ерни ўзлаштириб, 43 та хўжалик ташкил этиш, уларнинг 36 таси пахтачилик, 3 таси боғдорчилик-узумчилик, 2 таси чорвачилик ва 2 таси ем-хашак етиштирувчи давлат хўжаликларига айлантириш белгилаб берилди[29]. 1963 йил 7 декабрдаги СССР Министрлар Советининг Қарши чўлининг биринчи навбатини суғориш ва ўзлаштириш

бўйича ишларнинг бошланиши тўғрисида”ги қарори эса чўлни ўзлаштириш ва суғориш ишларини тезлаштириб юборди. Қарорга асосан СССР Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлигининг “Главсредазирсовхозстрой” таркибига кирувчи “Каршистрой” бошқармаси тузилди[30].

1965-1975 йиллар давомида Қарши магистраль ва Ульянов каналлари қурилди. Амударёдан Қашқадарёгача бўлган масофада насос станциялари бўлган Қарши магистраль канали, муҳандислик иншоотлари, қурилиш индустрияси корхоналари, қурилиш материаллари ва буюмлари саноати, қурувчилар ва янги ерларни ўзлаштирувчилар учун посёлкалар қурилди.

1988 йилга келиб, Қашқадарё вилояти 14 та туманни ўзида бирлаштирди. 1983 йилда бу вилоятда 100 га яқин ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилиб, уларнинг 7 таси иттифоқ даражасидаги корхоналар бўлган. Қарши чўлларини ўзлаштириш интенсив давом этиб, янги турар-жойлар барпо этиб борилиб, бу ерда ўнинчи беш йиллик давомида 5 та қўриқ район тузилган бўлса, бироқ бу чала ўзлаштирилган ерларда ишлаб чиқариш объектларининг, маданий-маиший биноларнинг камлиги жиддий қийинчиликлар туғдирди. 1980 йилда Қашқадарёнинг ўзлаштирилган қишлоқларида 56,9 минг киши ишлаган бўлса, 1987 йилга келиб, 53,0 минг кишини ташкил этди[31].

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Қарши ва Сурхон-Шеробод чўлларини ўзлаштириш ва унинг ўрнида пахтачиликка ихтисослашган туман ва давлат хўжаликларини ташкил этиш, айна пайтда Қарши чўли иқлими ингичка толали пахта етиштиришга жуда қулайлиги Қарши чўлини ўзлаштириш учун капитал маблағларнинг йилдан йилга кўпайиб боришига ҳам сабаб бўлди[32].

Дастан Самарқанд иқтисодий районида кирган Сурхондарё вилояти ўзининг географик ўрни, табиати, ерости фойдали қазилмалари, агроиқлим, ер-сув ҳамда меҳнат ресурслари билан юқори даражада имкониятлари мавжуд бўлган, улардан йиллар давомида самарали фойдаланмаслик каби ҳолатлар бу вилоятда ҳам иқтисодий оқсаш ҳолатларини юзага келтирган. Бу вилоят ингичка толали пахта ва субтропик мевалар етиштиришга ихтисослашган вилоятлардан бири бўлган. Денов туманида мамлакатда ягона бўлган шакарқамиш ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиб, 1953 йилда шакарқамиш экиладиган майдонлар 150 га.га етган. Шунингдек, 1953 йилда вилоятда “Комсомол 30 йиллиги” деб номланган совхозда биринчи мартаба ром

ТАРИХ

тайёрланган[33], бу совхоз мамлакат бўйича кондитер маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарга ром етказиб берган[34]. Сурхондарё иқтисодий райони Ўзбекистон майдонининг 20,8 минг км.ни эгаллаган бўлиб, республиканинг 4,6 фоиз ерини эгаллаган, аҳоли сони 1176 минг кишини ташкил этган. Шаҳар аҳолиси 1979 йилда 172 минг кишини ташкил этган. 1987 йилга келиб 232 минг кишига етган. Шу йили қишлоқ аҳолиси 944 минг кишини ташкил этган[35]. Бу ерда 5,6 фоиз ер майдонлари бўлиб, 4,7 фоизида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилган. 7,3 фоизи ўзлаштирилган ҳайдалган ерларни ташкил этган. Пахта вилоятдаги ерларнинг 7,9 фоизида, дон маҳсулотлари 6,2 фоизида етиштирилган. Республикадаги яйловларнинг 4,3 фоизи эса бу районга тўғри келган [36].

Ўзбекистоннинг жанубий райони ҳисобланган бу вилоят ялпи саноат маҳсулотининг 65,5 фоизга яқинини пахта тозалаш саноатининг маҳсулотлари ташкил қилган. Бу иқтисодий район ўзининг саноат тараққиёти даражаси жиҳатидан бошқа иқтисодий районлардан орқада бўлган. Шунинг учун республика саноатида унинг салмоғи унча катта бўлмаган. Район аҳолисининг ҳар 1000 тасига тўғри келадиган саноат ишлаб чиқаришдаги ишчилар сони республикадаги ўртача кўрсаткичдан уч баравар паст бўлди. Шундай бўлса-да вилоятда 80 та саноат корхонаси мавжуд бўлиб, улар, асосан, озиқ-овқат ва енгил саноат маҳсулотларига ихтисослашган. Шунингдек, вилоятнинг Узун, Хайробод, Термиз, Шеробод, Қарши, Яккабоғ, Шаҳрисабз, Шўрчи туманларида пахта тозалаш заводлари жойлашган [37]. Вилоятда айнан ингичка толали пахта етиштирилса-да, бироқ пахта тозалаш заводларида пахта чиқиндиларини тозалаш ускуналари етишмаган. Бутун вилоят бўйлаб 3 та ЧУ-150, ИВ-40 пахта тозалаш 8 та бўлиб, уларнинг ҳам 3 таси ишламаган. Уруғлик тайёрлаш бўлса, бутун вилоят бўйлаб 2 та заводда бўлган[38]. Вилоятда нефть, табиий газ, кўмир конлари, вилоятнинг маркази Термизда пахта тозалаш корхоналари, гўшт комбинати, музлатгич ишлаб чиқарувчи завод, нон завод, ёғ-мой корхоналари мавжуд бўлган. Лекин уларнинг деярли бирортаси автоматлаштирилмаган[39]. Бу вилоятда республика иқтисодини ривожлантириш учун етарли даражада имкониятлар ҳам бўлган. Охирини ўйламай, табиатдан ортиқча фойдаланиш, хом ашё етиштириш, ер ости бойликларини имкон қадар кўпроқ қазиб олиш мақсадида бошланган бу ҳаракатлар Сурхондарё иқтисодий районида яққол кўзга ташланган

эди. Чунончи, орқада қолаётган районнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ва ижтимоий меҳнат унуми анча ривожланган районлар даражасига кўтариш республика саноатини ривожлантиришнинг муҳим вазифаларидан бири деб ҳисобланган.

Совет ҳукуматининг ерларни ўзлаштириш борасидаги сиёсати бевосита Сурхондарё вилоятида ҳам амалга оширилди. Мазкур воҳанинг жуда қулай табиий-иқлим шароитига эгаллиги ва пахтачиликни янада ривожлантириш имконини беришини яхши билган совет маъмурлари томонидан уни ўзлаштириш учун Сурхон дарёси ва унинг Шеробод ирмоғи сувларидан фойдаланишга кўрсатмалар берилди. Суғориш тизимлари таъмирланди, янгилари қурилди. Тўполанг, Дашнабод, Хўжаипок, Сангардақда бетон қопламалар ётқизилди. Ер ости сувларидан суғориш ишларида ҳам фойдаланилди [40].

Пахтачиликни ривожлантириш мақсадида эса Сурхондарё вилоятида 10 минг га янги ерни суғоришга, янги ерларни ўзлаштиришга хизмат қилиши мумкин бўлган 80 млн. м³ ҳажмдаги Учқизил сув омборини қуриш ишлари олиб борилди[41], Жанубий Сурхон сув омбори қурилди. 1961 йилда Жанубий Сурхон сув омбори ҳудудидаги Шеробод чўлида янги қўриқ давлат хўжаликлари ташкил этишни кучайтириш мақсадида ирригация ва давлат хўжалик қурилиши бўйича трест ташкил этилди [42].

Ўзбекистонда сув объектлари ва сув масаласи мураккаб бўлса-да, ундан фойдаланиш ва сақлаш ҳолатлари катта муаммолигича қолган эди. Масалан, 1970 йилларда республика бўйича тозаланмасдан ташқарига чиқариб ташланган сув суткасига 460 минг куб. м. ундан Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги вазирлигига 119, Пахтачилик вазирлигига 48, Мева-сабзавот вазирлигига 31, Соғлиқни сақлаш вазирлигига 21 минг куб. с. тўғри келган[43]. Биргина Самарқанд вилоятида ишлаб чиқарувчи корхоналар сув ҳавзаларига 18,6 минг куб. м. ифлос ёки тўлиқ тозаланмаган оқова сувлар сув ҳавзаларига чиқариб юборилган. Уларга Лангар радиобошқармаси, “Гелион” заводи, Каттақўрғон ёғ-мой комбинати, “Қизилгвардия” винокомбинати, Ховренко номидаги вино заводи, Самарқанд гўшт комбинати, Каттақўрғон сут ва гўшт комбинати, Самарқанд тери заводи, “Хужум” ипак йигирув комбинати, трикотаж фабрикаси, турли автокорхоналар, онкодиспансер ва бошқалар кирган [44].

Самарқанд гўшт комбинати Сиёб каналига кунига 790 куб.м. оқовани оқизган. Улар сувда аммония ионларини,

ачитқиларнинг кўпайишига сабаб бўлган[45]. “Гелион” заводида бўлса, ташланган оқова сувлар натижасида Сиёб каналида хромнинг 40 маротаба кўпайиши кузатилган[46].

Каттакўрғон ёғ-мой комбинатининг бир неча йиллар давомида кунига 10 минг куб.м. ифлос оқоваларни ташлаши натижасида шаҳар четидан оқадиган Чегонак коллектори оқадиган каналга айлантирилган. Натижада нитратнинг 2,3 бараварга оширишга, аммоний азотнинг 1,3 физиолимнинг 13, нефть маҳсулотларининг 3, мисни 7,6 цинкнинг 1,4 мартага ошишига сабаб бўлган. Шу ҳолда ҳам асосий ифлослантирувчилар вагон депоси, унинг ёнилғи сақланадиган омборхонаси, гўшт комбинати, кимё заводи бўлган.

Қашқадарё вилоятида етарли тозаланмасдан очиқ сув ҳавзаларига оқадигон оқова сувлар кунига 6,5 минг. куб.м.ни ташкил этган. Шаҳрисабз консерва заводи, винзавод, гўшт комбинати, ипак йигирув комбинатлари мана шундай корхоналар қаторига кирган. Масалан, Қашқадарё ёғэкстракт заводи 1971 йилдан 1983 йилга қадар Дашт коллекторига оқова сувларни оқизиб келган. Ҳар йили ҳавога 104 минг тонна захарли моддалар чиқариб келган[47].

Сурхондарёда кунига 25,2 минг.куб.м оқадиган сувларга чиқариб ташланган. Ишлаб чиқариш корхоналари атмосферага ҳар йили 15 минг. тонна захарли моддаларни чиқарган. Улардан пахта тозалаш заводлари 9,3, асфальтбетон заводлари – 3,6, Денов ёғэкстракт заводи 1,2 минг тоннани ташкил этган[48]. 1976-1980 йилларда атмосфера

ҳавосининг ифлосланиши ҳеч қандай ўзгаришсиз қолаверган[49].

Республика иқтисодий ҳудудларидаги баъзи соҳаларнинг бирмунча ўсишига қарамай уларнинг саноат ишлаб чиқаришдаги салмоғи пастлигича қолаверди. Бу ҳудудларда иқтисодий ўсишга имкон берадиган шароитлар бўлса-да, лекин улардан амалда тўлиқ фойдаланилмас эди. Масалан, 1980-йилларга келиб йўл қўйилган катта камчиликлардан бири – янги ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқаришга нисбатан моддий ресурслардан хўжасизларча фойдаланиш бўлди[50]. Бундай нохуш ҳолатни республика саноатининг барча соҳаларида кўриш мумкин эди. 1980 йилларга келиб мамлакатдаги оғир иқтисодий аҳвол мамлакат халқ хўжалигини тубдан издан чиқарди. Амалий фаолиятда экстенсив ўсишнинг имкониятлари туганлигини англамаслик, фан ва техника соҳасида эришилган ютуқлардан кенг фойдаланиш йўллари изламаслик, халқ хўжалигини бошқаришнинг замон талабларига мос келадиган шаклларга асосланмаслик, марказ ва жойларда раҳбарларнинг иш юритишни билмасликлари, масъулиятсизликнинг кучайиб кетиши, тартиб-интизомнинг бўшашиб кетишини, белгиланган режаларга ўзгартиришлар киритиш ҳолатларига чек қўйиш, режани бажариш хўжалик юритишнинг нормаси ва қонуни эканлигини унутиш кабилар кучайиб кетди. Бироқ, бу камчиликлар шунчалик чуқур томир отганлиги сабабли уларни қисқа вақтда тугатишнинг иложи йўқ эди.

Адабиётлар:

1. Бедринцев К., Мирзаев А. Ўзбекистонликларнинг келажак авлодлари қаерда яшайди // Ўзбекистон коммунисти. -1988 йил, 12 декабрь.
2. Экономические районы УзССР. -Ташкент. Гос.изд. Узбекской ССР, 1957.
3. Народное хозяйство Узбекской ССР за 1987 года.
4. Ўзбекистон ССР Олий Советининг VIIIсессияси. 1946-1950 йиллар мобайнида Ўзбекистон ССРнинг халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш бешйиллик плани тўғрисида. Ўзбекистон ССР Давлат План Комиссиясининг раиси ўртоқ Х.М.Абдуллаев доклади // Қизил Ўзбекистон. 1946 йил, 31 август.
5. Узбекская ССР. – Москва. Гос.изд. географической лит.ры, 1956.
6. Экономические районы УзССР. Ташкент. Гос.изд. Узбекской ССР. 1957.
7. ЎзР МА. Р – 2400, рўйхат - 1, йиғма жилд - 53, 53-варақ.
8. ЎзР МА. Р – 2400, рўйхат - 1, йиғма жилд - 53, 53-варақ.
9. Экономические районы УзССР. Ташкент. Гос.изд. Узбекской ССР. 1957.
10. Бухоро иқтисодий –маъмурий райони // Қизил Ўзбекистон. 1958 йил 25 январь.
11. ЎзР МА Р-2446, рўйхат-1, йиғма жилд-5, 2 варақ.
12. Бухоро иқтисодий –маъмурий райони // Қизил Ўзбекистон. 1958 йил 25 январь.
13. ЎзР МА Р-2446, рўйхат-1, йиғма жилд-5, 4 варақ.
14. ЎзР МА, Р - 2445, рўйхат - 2, йиғма жилд - 21, 2-варақ.
15. Экономические районы УзССР. - Ташкент. Гос.изд. Узбекской ССР, 1957.
16. Экономические районы УзССР. - Ташкент. Гос.изд. Узбекской ССР, 1957.
17. Қашқадарё вилояти Давлат архиви Ф-133, рўйхат -1, иш-242, 30 – варақ.
18. // Қашқадарё ҳақиқати. 1977 йил 26 октябрь.
19. ЎзР МА. Р-314, рўйхат-1, йиғма жилд-415, 10 – варақ.
20. // Қашқадарё ҳақиқати. 1985 йил 24 июль.
21. Қашқадарё вилояти Давлат архиви. Фонд-504, рўйхат -1 иш – 80, - 21 варақ.

ТАРИХ

22. Қобулов Э., Ражабова С. Қашқадарё вилоятида енгил ва озиқ-овқат саноат корхоналарини қайта қуриш ва янги саноат корхоналарининг барпо этилиши (1946-1960 йй.) // ҚарДУ Хабарлари. Махсус сон. 2020.
23. Қашқадарё вилояти Давлат архиви Ф-452, рўйхат -1, иш-26, 8 – варақ.
24. Қобулов Э., Ражабова С. Қашқадарё вилоятида енгил ва озиқ-овқат саноат корхоналарини қайта қуриш ва янги саноат корхоналарининг барпо этилиши (1946-1960 йй.) // ҚарДУ Хабарлари. Махсус сон. 2020,-205 б.
25. Ўз МА. Р-1970, рўйхат- 6, йиғма жилд – 15, 8 – варақ.
26. Қашқадарё ҳақиқати. 1977 йил 26 ноябрь.
27. Гоипова Т.Ф. Қарши чўлида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш (Фан ҳақида суҳбатлар).- Тошкент: Ўзбекистон, 1984.
28. Гоипова Т.Ф. Қарши чўлида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш...
29. Нормухамедов А. Чорак асрлик жасорат // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. -Тошкент, 1990. -№4.
30. Жалолов Э. Яшнаётган воҳа // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. –Т., 1983. -№8.
31. Народное хозяйство Узбекской ССР за 1987 года. – Т.: Узбекистан, 1988.
32. Абдурахмонова Т. Ўзбекистонда ирригациянинг ривожланиши. –Т.: Ўзбекистон, 1972.
33. Узбекская ССР. – Москва. Гос.изд. географической лит.ры, 1956.
34. Экономические районы УзССР. Ташкент. Гос.изд. Узбекской ССР. 1957.
35. Народное хозяйство Узбекской ССР за 1987 года.
36. Совершенствование структур народного хозяйства Узбекской ССР.
37. ЎзР МА. Р - 2400, рўйхат - 1, йиғма жилд - 54, 26-27-варақлар.
38. ЎзР МА. Р -2400, рўйхат - 1, йиғма жилд - 53, 80-варақ.
39. ЎзР МА. Р - 2400, рўйхат - 1, йиғма жилд - 53, 86-варақ.
40. ЎзР МА, Р - 2483, рўйхат - 1, йиғма жилд - 1989, 81-варақ.
41. Ўзбекистон Коммунистик партияси съездларининг резолюциялари ва қарорлари.-Т.: Ўздавнашр., 1958.
42. Халиков И. История орошения и поливного земледелия в Сурхан-Шерабадской долине.-Т.: Фан, 1977.
43. ЎзР МА Р - 2272, рўйхат-1, йиғма жилд-1208, 54 варақ.
44. ЎзР МА Р - 2272, рўйхат- 1, йиғма жилд-1208, 76 варақ.
45. ЎзР МА Р- 2272, рўйхат- 1, йиғма жилд-1208, 75 варақ.
46. ЎзР МА Р- 2272, рўйхат- 1, йиғма жилд-1208, 77 варақ.
47. ЎзР МА Р- 2272, рўйхат- 1, йиғма жилд-1208, 84-85 варақлар.
48. ЎзР МА Р- 2272, рўйхат- 1, йиғма жилд-1208, 85 варақ.
49. ЎзР МА Р- 2272, рўйхат- 1, йиғма жилд-1208, 78-79 варақлар.
50. Экономика и жизнь. 1986. -№11.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор).